



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 115 (12.676)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЁШЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлини маси ҳамда олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини бошлади.

Ушбу ҳаракат Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган Дастурнинг ижросини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини фойдали меҳнат билан банд қилиш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари талабалари ҳамда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни мавсумий ишларга жалб этиш мақсадида фаолият юритмоқда.

Бугунги кунда пойтахтда жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари ҳамда маҳаллалардаги уюшмаган ва вақтинча ишсиз ёшлардан иборат кўнгилчилар рўйхати шакллантирилган. Ҳамкорлар билан биргаликда ёшларни мавсумий ишларга жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

— Ёшларнинг меҳнат гуруҳлари ёзги таътил даврида маҳаллалардаги уюшмаган

ёшлар ва вақтинчалик ишсиз даврида ишлаш истагини билдирган кўнгилчилардан тузилиб, икки ойдан кам бўлмаган муддатда мавсумий ишларга жалб этилади, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгашининг Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими муdiri Санжар Саидов. — Айтиб ўтиш жоизки, меҳнат гуруҳларига ариза топширган 18 ёшга тўлган, жисмонан соғлом, кўнгилли ёшлар қабул қилинади.

Айни пайтда олий ўқув юртлари талабаларининг 100 нафарга яқинини ёзги оромгоҳларда етакчилик вазибаларига йўналтириш учун «Камолот» ЁИХ қошидаги ўқув услубий марказда махсус ўқувлар ташкил этилмоқда. Ўз навбатида уларга марказ ҳамда «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан сертификатлар берилмоқда.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

GERMANIYADA «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бонн шаҳрида анъанавий «Дунё халқлари маданияти фестивали» бўлиб ўтди. Унда Германияда фаолият кўрсатаётган 100 дан зиёд дўстлик уюшмалари ва иттифоқлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатия ваколатхоналари ҳамда миллий маданий марказлар иштирок этди.

Мазкур халқаро анжуманда юртимиз бўлмаси Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти ҳамда мамлакатимиз элчихонаси ҳамкорлигида тақдим этилди.

Ушбу тадбир доирасида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани, бу йўналишдаги Давлат дастуридан кўзланган мақсад ва вазифалар, ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, таълим, спортни ривожлантириш борасида ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнаомлигида мустақил республикаимизнинг замонавий тараққиёти ва изчиллик билан олиб борилган ислохотларнинг натижалари ҳақида атрофлича тасаввур берадиган Ўзбекистон бўлмаси халқаро анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, ранг-баранг сопол, тўқимачилик, зардузлик буюмлари, мамлакатимизнинг бой тарихи ва сайёҳлик салоҳиятига доир қўлгина ахборот материаллари ушбу бўлма пештахталаридан жой олган эди.

Бонн шаҳрининг мингдан зиёд аҳолиси вакиллари ҳамда меҳмонлари Ўзбекистон бўлмасини кўздан кечириш асосида мамлакатимизнинг тарихи ва бой маданияти билан яқиндан ошно бўлдилар. Уларга, шунингдек, ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имконияти ҳам яратилди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири тадбирнинг айрим қатнашчилари билан суҳбатда бўлди.

— Шаҳримизда ўтказилаётган «Дунё халқлари маданияти фестивали» Германия жамоатчилиги вакиллари учун Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси ҳамда республикаимизда болалар ва ёшлар давлат томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётгани билан яқиндан танишиш учун жуда қўлай имконият яратди, — деди Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг вице-президенти Дитер Бранденбургер.

— Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган сиёсати катта эътиборга лойиқдир. Биз, Бонн шаҳридаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзолари ҳукуматимизнинг бу сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга, Германиянинг сиёсий, ижтимоий ва ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар билан таништириб боришга ўз ҳиссамизни қўшишдан мамнунмиз.

Германия — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг аъзоси Гедда Герц Бонн шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган мазкур фестивалдаги мамлакатимизнинг иштирокини юқори баҳолаб экан, ўзи ҳам Ўзбекистон бўйлаб сафарда бўлганини маълум қилди.

— Кўёшли ўлкангизга бориш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман, — деди у. — Ўзбекистоннинг қайси гўшасига бормайлик, ҳамма жойда бирдек илқилик ва меҳмондўстлик билан кўтиб олишди. Биз мактабларда, болалар боғчалари ва ўзбек оилаларида бўлдик. Мамлакатимиз бўйлаб сафаримиз бизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ўзбекистонда 2014 йил «Соғлом бола йили», деб эълон қилингани мамлакат ҳукумати томонидан аҳоли саломатлигига, жисмонан ва маънавий соғлом авлодни тарбиялашга жиддий эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мен юртимизда ёшлар учун барча шароит яратилганига шахсан гувоҳ бўлдим. Дунёнинг энг гўзал мамлакатларидан бири бўлган Ўзбекистонга яна боришга умид қиламан.

Германиялик санъатшунос Тобиас Зайдель ушбу тадбир тўғрисида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, ўзбек халқининг ноёб анъаналари ва бой маданияти билан яқиндан танишганидан мамнун бўлганини айтди.

— Ўзбек ҳунармандлари ясаган халқ амалий санъати маҳсулотлари менда катта таассурот қолдирди, — деди у. — Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши маданиятлараро мулоқотнинг, халқлар ўртасидаги дўстлик ва бир-бирини тўғри тушунишнинг мустаҳкамлашига хизмат қилади.

«Жаҳон» АА
Берлин

лари иштирок этган халқаро конференция ҳар жиҳатдан самарали бўлди. Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳасидаги тажрибаси барчанинг эътиборини тортди. Аҳолини мазази, экологик тоза ва хавфсиз мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, уларни қайта ишлаб, экспорт қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганса арзийди.

Конференция доирасида Самарқандни, у ердаги қадимий меъморий ёдгорлиқлар ва муқаддас қадим-жоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан бахтиёрман. Регистон мажмуи ва Улўбек расадхонасини томоша қилиш менга олам-олам маънавий куч-қувват бағишлади.

Заур ГАСАНОВ, Озарбойжон давлат аграр университетининг боғдорчилик кафедраси муdiri, профессор:

— Мустақиллик йилларида Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, давримизнинг энг замонавий, энг гўзал шаҳарларидан бирига айланибди. Бу Президент Ислом Каримов олиб бораётган доно, узоқни кўзлаган сиёсатнинг самарасидир.

Биз кўрган мевали боғлар, бозорларнингизда мўл-кўлчилик халқингиз фаровонлиги, юртингиз бойлигининг яққол намунаси. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари Амир Темур давридан мерос, десам муболага бўлмайди. Бу буюк саркарда нафақат ўзбек халқи, балки инсоният тарихида муҳим ўрин тутди. Темурийлар тарихи давлат музейидаги ноёб экспонатлар билан танишганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

(Давоми 2-бетда)

Сўз – халқаро конференция иштирокчиларига

БОЗОР ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРДАГИ ТЎКИНЛИККА ҲАВАС ҚИЛДИК

Тошкент шаҳрида ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари ЎЗА мухбирлари билан суҳбатларда ўзларининг таассуротини баён қилди.

Астрид ЦЕРНИ, Нью-Йорк университетининг атроф-муҳит масалалари бўйича мутахассиси, профессор (АҚШ):

— Бугунги кунда бутун дунёда атроф-муҳит мусоф-фолигини сақлаш жуда долзарб масаладир. Шу боис ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза ва сифатли технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган корхоналарда айнан шундай техника ва технологиялардан фойдаланилаётганини кўриб хурсанд бўлдик. Бу жиҳат маҳсулотларингизга бўлган қизиқишни, юртингиз экспорт салоҳиятини янада оширади. Ўзбекистоннинг ўрик, олхўри, узум, ёнғок, қарам каби қўллаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги унта етакчи давлат қаторида туриши қувонарлидир.

Ўқитувчи бўлганим боис, қайси давлатга бормай, у ердаги ёшларнинг таълим-тарбияси билан қизиқаман, йигит-қизлар билан суҳбатлашаман. Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти, маданияти жуда юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу Президент Ислом Каримов раҳнаомлигида Ўзбекистонда таълим соҳасига, ёшлар тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор самараси эканини бутун дунё билади. Тахсил олиш учун яратилган замонавий шарт-шароит, давлатингиз раҳбарининг доимий эътиборига сазовор ўзбек ёшларига ҳавасим келди.

Каролин ЛЕМЕТР, «FranceAgriMer» қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари миллий уюшмаси департаменти директори (Франция):

— Қирқдан ортиқ мамлакатдан етакчи эксперт ва ишбилармонлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар-

кутиб олиниб, пойтахт вилоятининг Паркент ва Ўрта Чирчик туманларидаги «Бойчечак» ҳамда «Меҳрхон» оромгоҳларига дам олиш учун жўнаб кетишди.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Миллий

матбуот марказида «Аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда «Имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-

минлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Тошкент марказий темир йўл вокзалида Хоразм вилоятидан келган ўғил-қизлар



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «XXI аср – интеллектуал авлод асри» шиори остида ёш олимлар ва талабалар илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Унда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидан 300 га яқин ёшлар ўз илмий ишлари билан иштирок этди.

• «Бухоро» аэропорти халқаро «Аэропорт» ассоциациясининг анъанавий танловига ғолиблар қаторидан ўрин олди, яъни «Барқарор ривожланаётган аэропорт» номинациясида биринчи ўринни эгаллади.

• Фарғона туманидаги Чекшўра қишлоқ фуқаролар йиғинида намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган замонавий уйлар ўз эгаларига топширилди. Жорий йилда мазкур тумандаги Чекшўра, Илғор, Миндонбод-2 массивларида 400 шундай уй-жойлар барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, қурилиш ишлари қизғин давом этмоқда.

• Самарқанд туманида коллеж битирувчи-ёшлари бандлигини таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 127 та саноат корхоналари ва фермер ҳўжаликлари 1200 дан ортиқ бўш ва квота иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмарка давомида 626 нафар битирувчига танлаган соҳалари бўйича йўлланма ҳамда 74 нафарига кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар берилди.

• Фарғона шаҳридаги «Истиклол» теннис мажмуасида эркаклар ўртасида «Fergana Challenger» ҳамда аёллар ўртасидаги «Fergana women's» анъанавий халқаро турнири бошланди. Бу йилги мусобақаларда юртдошларимиздан ташқари Хитой, Ҳиндистон, Австралия, Исроил, Россия, Украина, Беларусь, Молдова каби йигирмадан зиёд мамлакат теннисчилари яқкалик ва жуфтлик баҳсларида ғолиблик учун куч синашмоқда.

ЖАҲОНДА

• Lonely Planet нашри экспертлари томонидан сайёҳлик соҳасидаги етакчи мутахассислар ўртасида ўтказилган сўров асосида Греция 2014 йилда Европадаги энг қизиқарли сайёҳлик йўналиши деб эътироф этилди.

• Ҳиндистоннинг Химачал-Прадеш штатидаги Манали шаҳрига экскурсия чоғида тўғондан сув қўйиб юборилиши натижасида Беас дарёси бўйида суратга тушаётган 20 дан ортиқ талабаларни сув дарёга оқизиб кетди. Маълумотларга қараганда, ҳозирда 24 киши бедарак йўқолган ҳисобланади.

• Индонезиянинг Суматра оролида 200 дан ортиқ ўрмон ёнғинлари юзага келди. Ёнғиндан чиқаётган тутунлар ҳатто қўшни мамлакатларга ҳам тарқалмоқда. Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг февраль ойида ҳам мамлакат ҳудудининг 6 минг гектар майдони ёнғин остида қолганида фавқулодда ҳолат жорий этилган эди.

• Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида жорий йилнинг 16 апрелида Корея ярим оролининг жанубий-ғарбий қирғоғи яқинида чўкиб кетган «Севоль» паромининг 15 нафар экипажи аъзоси устидан суд жараёни бошланди. Бунда энг оғир айблов паром капитани ва уч нафар экипаж аъзосига қўйилган.

Нидерландиядаги «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар марказида «Ипак йўли бўйлаб экспедиция» кўргазмаси очилиш муносабати билан асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган ушбу кўча йўли мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 1 сентябрга қадар давом этадиган ушбу кўргазма пештахталаридан XIX–XX асрлардаги археология экспедициялари чоғида топиладиган осори-атикалар жой олган. Девор ёзувлари, ҳайкалтарошлик намуналари, ипак матолар, қумуш, олтин ва сополдан ясалган турли буюмлар ана шулар жумласидандир.

Лейден университети ва «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар маркази томонидан ташкил этилган мазкур конференция Европадаги таниқли олимлари, Нидерландиянинг академик, жамоатчилик ва илмий доиралари вакиллари ўз атрофида жамлади.

Тадбирни очар экан, «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар марказининг директори К.Браурс Европа ва Осиё халқлари ўртасида дўстлик ва бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш муносабатларининг ривож топишида Ипак йўлининг тарихий аҳамияти ҳамда ушбу савдо артериясининг фаолият кўрсатишида бугунги Ўзбекистон жуда катта ўрин тутгани ҳақида атрофлича тўхтади.

— Буюк Ипак йўлидаги маданиятлар муштараклиги мисолида бир ярим минг йил давомидаги маданиятлараро коммуникация жараёнларини кузатиш мумкин, — деди у. — Қадим Ипак йўлида гоёлар ва товарлар алмашувининг кўлами гоё улкан бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Нидерландиядаги дипломатия ваколатхонаси раҳбари конференция иштирокчиларини ўзбек халқининг кўп асрлар давомида шаклланган бебаҳо илмий, маънавий ва маданий мероси билан таништирар экан, мамлакатимиз раҳбарияти республикамизга замонавий илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадбир қатнашчилари 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция якуни билан ҳам танишдилар. Кайд этилганидек, мазкур халқаро анжуманда Амстердам, Лейден, Утрехт ва Вагенинген университетлари сингари Нидерландиянинг етакчи олий ўқув юртиларида фаолият кўрсатадиган таниқли олим ва тадқиқотчиларнинг иштирок этгани Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросини ўрганишга нисбатан мамлакат илмий-академик доираларида қизиқиш мавжудлигини далolat беради.

Конференцияда сўзга чиққан Лейден университети профессори Мари Фаверау ва Британия кутубхонаси профессори Сюзан Вайтфилд Буюк Ипак йўлининг тарихига атрофлича тўхтади. Улар бугунги Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар миллатлараро алоқалар ва цивилизациялар ўртасидаги

мулоқотнинг ривожланишига катта ҳисса қўшишганини қайд этдилар.

М.Фаверау IX–X асрларда Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлар шитоб билан ривож топиши натижасида улар ўша даврларнинг ўта муҳим маданий ва илмий марказларига айланиганини айтди. «Бундай ривожланиш мазкур шаҳарларда йирик кутубхоналарнинг яратилишига кўмаклашди ва улар бутун дунёдан кўпга илм-фан арбоблари, шоирлар ва файласуфларнинг эътиборини ўзига жалб қилди», деди у.

Анжуманда тилга олинган маълумотлар тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Буни конференция иштирокчиларининг «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбати мазмунидан ҳам билиш мумкин.

Мартин ван Сивин, «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар марказининг Жамоатчилик билан алоқалар департаменти раҳбари:

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ «HERMITAGE AMSTERDAM»ДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

— Буюк Ипак йўли жаҳон тарихи ва маданиятидаги феномен, яъни жуда кам учрайдиган ва фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Чунки узоқ давр давомида жуда кўп давлатлар ва халқлар ўртасида маданий ва савдотик алоқалар шу йўл воситасида амалга ошган. Саёҳат, савдо ва ўзаро алмашув муносабатларининг суръати жадал бўлганига қарамай, бу тарихий йўл ўзига хослигини йўқотмагани баробарида бошқа маданиятларга, дин ва миллатларга нисбатан очилигини ҳамда бағрикенглигини сақлаб қолган. Бу эса мазкур йўл бўйида жойлашган халқларга хос бўлган хусусият туфайли рўй берганини, ана шундай очкилик ва бағрикенглик фуқаролар ўртасидаги ва маданий дипломатиянинг ҳақиқий намунаси ҳисобланади.

Бугунги кунда бой тарихий меросни авайлаб асраш ва қайта тиклаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган сиёсат юксак баҳога лойиқдир.

Габриела ван ден Берг, Лейден университети профессори:

— Ўзбекистон замини асрлар давомида маданиятлар шаклланишининг ўчоғи бўлиб келган ҳамда Шарқнинг жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган кўпгина машҳур олим ва мутафаккирларини бутун инсониятга ҳада этган. Буюк Ипак йўлининг марказий боғловчи бўлини сифатида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги фаол савдо-иқтисодий ва маънавий алоқалар туташувининг маркази бўлгани Фарбдаги Уйғониш даври юзга келишидан анча олдин илм-фаннинг ривожланишига ўзининг ихобий таъсирини кўрсатган.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференцияда менинг ҳамкасбим ҳам қатнашди. Ушбу анжуман авлодларнинг бебаҳо илмий ва гуманитар меросини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намоиш қилди.

«Жаҳон» АА,
Амстердам

**Мамлакатимизга таширф буюрган
Литва Сейми раисининг биринчи
ўринбосари Видас Гядвилас
раҳбарлигидаги делегация аъзолари
10 июнь кун И Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Спикери Дилором Тошмуҳамедова
билан учрашди.**

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги алоқалар кўпга йўналишларда ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Музокара давомида меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган тараққиётнинг «Ўзбек модели» барқарор ривожланишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Литва Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда, — деди Видас Гядвилас. — Мамлакатингизда қонун ижодкорлиги соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдим. Делегациямиз таркибида бизнес, таълим, транспорт ва логистика каби соҳаларнинг вакиллари бор. Мақсадимиз — ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада кенгайтириш.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун қиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Литва делегацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)



ЎзА олган сурат

БОЗОР ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРДАГИ ТЎКИНЛИККА ҲАВАС ҚИЛДИК

(Давоми. Боши
1-бетда)

Стюарт КЭМПБЕЛЛ, «CNH Industrial» компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича директори (АҚШ):

— Ўзбекистонда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига жиддий ёндашилади. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган турар-жой мавзелари бунга яққол мисолдир. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида яратилган бундай кенг қўлайликлар дунё мамлакатларида кам учрайди. Бу тажрибадан бошқалар ўрнат олса арзийди.

Ушбу уй-жойларнинг лойиҳаси кўпчиликнинг эътиборини тортиди. Уларда оила аъзоларининг эҳтиёжи инобатга олинган. Хонадонлар газ, электр энергияси, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланган. Атрофда мактаб, болалар богчаси, тиббиёт пункти, маҳалла идораси барпо этилган, мини-маркетлар фаолияти йўлга қўйилган. Кенг, ёруғ ва файзли кўчалар, ҳовлиларда яшнаб турган турли дарахлар, гуллар кишининг баҳри

дилини очади. Масалага бундай атрофлича ёндашув аҳолига кенг қўлайликлар яратиши билан бирга ҳудудларни комплекс ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Нео По Им ДОРОТИ, «Food Expertise» компанияси менежери (Сингапур):

— Аксарият мамлакатларда асосий мева-сабзавот ва полиз экинлари иссиқхоналарда етиштирилади. Уларнинг тез пишиши, узоқ сақланиши учун кўпга кимёвий моддалардан фойдаланилади. Бу маҳсулотнинг табиий таъсисига, таъмию сифати таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта.

Ўзбекистон мевалари жудаям ширин экан. Улар чиройли, хушбўй ва энг муҳими шифобахш. Бундай маҳсулотларни ҳамма бажонидил истеъмол қилади.

Бозорлар ва супермаркетлардаги тўкинликка ҳавас келди. Бундай мўлқўлчилик, арзончиликка шукр қилиш, унинг қадрига етиш зарур.

НОДИРА МАНЗУРОВА,
Сайёра ШОЕВА,
Бобур ОБИДОВ
ёзиб олди

Мен ва турмуш ўртоғим давлат қорхонасида ишлаймиз. Коммунал тўловларни ўз вақтида тўлаш учун кўпинча ишдан жавоб сўрашимизга тўғри келади. Ишдан сўнг ёки дам олиш кунлари коммунал тўловларни амалга оширишимиз мумкинми, кассаларнинг иш вақти нечагача белгиланган?

Кобил КОСИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»-ги Қарориди хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турларини кўрсатиш, Тошкент шаҳрида 2012-2016 йиллар учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастурининг мақсади кўрсаткичларини сифатли ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тижорат банклари филиаллари томонидан фаолияти йўлга қўйилган барча банк инфратузилмалари (минибанк, жамғарма касса, махсус касса, коммунал касса ва аҳолидан нақд пул йиғишга ихтисослашган бошқа турдаги банк шохобчалари)нинг узлуксиз самарали фаолият олиб боришини таъминлаш орқали аҳолига қўлайлик яратилган.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг кўрсатмаларига асосан, ҳозирда Тошкент шаҳрида аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида коммунал кассалар иш фаолияти шанба ва якшанба кунлари ҳам жорий қилиниб, уларнинг ҳар кунги иш вақти соат 20.00гача ташкиллатирилган.

Шунингдек, бозорлар ҳудудида жорий этилган барча банк инфратузилмаларини шанба ва якшанба кунлари узлуксиз ишлаши, туманлардаги маҳаллаларда коммунал тўловларни йиғиш ишларини ташкил этиш, бунда, коммунал тўловларнинг самарали йиғилишини таъминлаш учун, маъсул ташкилотлардан аҳоли қарздорлиги бўйича янгиланган маълумотларни олган ҳолда, маҳалла фаоллари, маъсул идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида коммунал тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2014 йилнинг 19 февралда «2014 йилда истеъмол қилинган табиий газ ва электр энергиясидан дебитор ва кредитор қарздорликлари

рени кескин қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» бўлиб ўтган йиғилишда ҳам республиканинг барча ҳудудларида «онлайн» режимида табиий газ ва электр энергиясига тўловларни қабул қилиш пунктларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Тошкент шаҳрининг аҳоли гавжум жойларида 464 та инфокиос-қалар ташкил этилди, ушбу қуролмадан фойдаланган ҳолда миллий валютадаги банк пластик карточкалари орқали коммунал тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг му-

ҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам электрон тўловлар, пластик карточкалар тизимини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар нафақат банк биносидаги коммунал кассаларда, балки барча сайёр кассаларда ва инфокиоскаларда аҳоли томонидан коммунал тўловларни амалга оширишда ҳам тўлов тизимини соддалаштиради ва пировардида мамлакатда тўлов интизомини мустаҳкамлайди.

Мен 2-гурух ногирониман, юришга қийналаман, ҳозирги кунда имконияти чекланган фуқароларга коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаш соҳасида қандай қўлайликлар яратилган?

Дилшод Артиков

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда Республика Молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги Қарорига асосан республика банк тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш ва барқарорлигини ошириш, банklar

ва бутун банк тизими фаолияти ёндашувлар ҳамда баҳолаш тизимини тўбдан ўзгартириш, барча қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорибўроқ даражасига чиқишни таъминлаш кўзда тутилган.

Мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш ҳамда Тошкент шаҳрининг узоқроқ ҳудудларида истикомат қилувчи ва имконияти чекланган фуқароларига қўлайлик яратиш мақсадида, тижорат банклари томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида аҳолидан коммунал тўловларни йиғиш учун мўлжалланган 111 та банкнинг номи, тисмоли туширилган махсус автомашиналарда сайёр кассалар ташкил этилган ва ушбу кассаларнинг дам олиш кунларида ҳам фаолият кўрсатиши йўлга қўйилган.

Ташкил этилган сайёр кассаларга малакали ходимлар бириктирилиб, зарур жиҳозлар, жумладан, сейф, терминал, пул санаш машинкаси ва коммунал тўловларни тўлаш учун расмийлаштирилган бланкалар билан таъминланган.

Шунингдек, тижорат банкларининг жойлардаги филиаллари томонидан коммунал соҳа ташкилотлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда маҳаллаларда тижорат банклари сайёр кассаларининг таширф жадваллари ишлаб чиқилган ва мазкур жадвал асосида кассалар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Шу йўл билан мамлакатимиз тижорат банклари томонидан миқозлар мушкуллини енгил қилишга қаратилган хизмат турлари амалиётда қўлланилмоқда.

Чунончи, турли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган «Инфокиоск» хизмати, миқозлар учун ўз ҳисоб рақамини масофадан бошқариш, ўз ҳисоб рақамидан коммунал тўловларни тўлаш имконини берадиган «Интернет банкинг», масофадан туриб банк ва миқоз ўртасидаги SMS-хабарлари алмашинуви асосида маълумотларни қабул қилишга мўлжалланган «SMS-Banking» хизмати шулар жумласидандир.

Саволларга Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи жавоб берди.

Азиз ҳамшаҳарлар! Банк соҳаси бўйича ўзингизни қизиқтирадиган саволлар бўлса «Тошкент оқшом» газетасига 232-28-95, Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасига 213-61-87 телефонлари орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

АЁЛЛАР МАНФААТИ ДОИМО МУҲОҒАЗАДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида аҳоли бандлигини таъминлашда аёлларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва бошқа ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимўхаммедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтириш, меҳнат фаолиятини оилавий вазифалар билан уйғун олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилаётган доимий эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, қатор қонунлар, қорхона ва ташкилотларда меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришда шикастланишлар ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар бу борадаги ишларни ташкил этишда муҳим асос бўлмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили қабул қилинаётган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида қарийб бир миллион иш ўрни яратилмоқда. Бу жараёнда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, касаначилик, оилавий тадбиркорлини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муҳофазалашга оид чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этаётган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар бунга мисолдир.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик ва жамоат назорати механизми тобора такомиллашмоқда. Иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида белгиланган вазифалар ўз вақтида ҳаётга татбиқ этилаётган.

Тадбирда қайд этилганидек, бу борада эришилаётган натижалар билан бир қаторда ечимини қўлағтирган муаммолар ҳам мавжуд. Турли тармоқларда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш муҳим вазифадир. Шунингдек, аҳоли орасида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, меҳнат, ижтимоий ҳимоя соҳаларига доир қонунчилик бўйича тарғибот ишларини янада кучайтириш лозим.

Давра суҳбатидида аҳоли бандлигини таъминлашда аёлларнинг ижтимоий ҳимояси ва соҳага доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, аёллар бандлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда жамоат ташкилотларининг вазифалари, меҳнат қонунчилигида ижтимоий ҳимоя каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Тадбирлар

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Очиқ эшиклар кунини» тадбири уюштирилди.

Унда маданият ва санъат соҳасига қизиққан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, институт ўқитувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари институт фаолияти билан яқиндан танишишди. Ёшларнинг билим олиши учун илм масканидида яратилган шароитлар, замонавий лабораториялар, аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, спорт заллари уларда илқ таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир доирасида фестиваль ҳам ташкил этилди.

Тадбир якунида ёшларнинг аксарияти Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти талабаси бўлишга аҳд қилганликлари таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)

Таълим

ИХТИРО ТАҚДИМОТИ

Тошкентдаги Турин политехника университети иxtирочи талабалари томонидан фанда ўзига хос иxtиролар амалга оширилмоқда.

Яқинда ушбу олий ўқув юрти талабалари томонидан яратилган янги кашфиёт тақдими бўлиб ўтди. Яъни, талабалар ижодида мансуб Слайдер камера деб номланаётган янги ускуна мутахассисларнинг эътиборини ўзига тортиди. Бу кичик иxtиронинг фан ва иxtироий ривожига муносиб ҳисса қўшиши тахмин қилинмоқда.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Шу билан бирга имконияти чекланган болаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик туфайли кейинги йилларда улар ўзларини жамиятнинг теппа-тенг аъзолари деб билишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази «Соғлом бола йили» муносабати билан болаларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви, ўзларини тенгдошлари билан бир қаторда кўришлари, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилишлари учун қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири «Меҳр, оқибат, қадрият» номи остида ўтказилди.

— Мазкур тадбирга тайёргарлик икки ой аввал бошланганди, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Алоҳида иқтидорли болалар муаммоларини ўрганиш бўлими раҳбари Мархаб Тоҳирова. — «Меҳр, оқибат, қадрият», «Ўзбекистон болалар нигоҳида» мавзуларда расм танлови эълон қилинган эди. Болалар вилоятлар, шаҳримиздаги мактаблардан ҳар бири ўзига хосликка эга бўлган расмларни чизиб, жўнатишди. Бири-биридан ранг-баранг расмларга боқиб, меҳр-оқибатни, эзгуликни тараннум этувчи ижод намуналари эканлигини ҳис қиласан киши. Меҳр-муҳаббат оғушида ўсган болалар ўзидан фақат яхшилик, меҳр таратиши шубҳасиз. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад соғлом ва имконияти чекланган болалар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтиришдир.

Тадбирга шаҳримиздан, вилоятлардан иқтидорли болалар таклиф қилинди. Бизнинг мақсадимиз ҳам им-

конияти чекланган болаларнинг жамиятдан четда эмаслиги, уларга қўлдан келганича кўмак берилиши, соғлом болалар қаторида соғлом фикрлаб, кўзида қувонч пайдо бўлишини хоҳладик.

Болажонларнинг кулгулари жаранлаган тадбирда зардўзлик, миллий ҳунармандчилик, миллий либослар,

2014 йил — Соғлом бола йили

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАСИ

мен келажакда қўлол бўламан ва бошқа йўналишларда болалар иқтидорларини намоиш этишди. Ўзларини қизиқтирган бекатларга бориб, турли йўналишларда ўзларини синаб кўриш имконига эга бўлишди. Ташкил этилган бекатларда болалар зардўзлик, қўлчиллик, расм чизиш, қўлолчилик намуналарини ярата олишини ота-оналарга исботлашди. «Тенгдош-тенгдошга» маҳорат дарслари ўтказилди.

Бундан ташқари Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида соғломлаштириш ишлари олиб борилаётган болалар иштирокида концерт дастури намоиш этилди. Эстрада хонандалари таширф бўйиб,

болажонлар билан бирга қўшиқ айтиб, барчанинг кайфиятини кўтаришди.

Инглизча «Табиат қўйнига учмоқ» деб номланган қўшиқ қўйлаган Роҳатой Тоҳирова барчанинг олқишига сазовор бўлди. У Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси бўлиб, бугунги кунда саноатлигидаги муайян ўзгаришларга қарамай қатор ютуқларга эришмоқда. Масалан, 2013 йилда «Мафун-кор ранглар олами» расмлар кўрик-танловининг шаҳар босқичида фахрий ёрлиққа эга бўлди бошқа танловларда фахрли ўринларни эгаллади.

— Бу қўшиққа икки ҳафта давомида тайёргарлик кўрдик, — дейди у. — Фарғона шаҳридаги 4-сонли мусиқа ва санъат мактабида фортепиано йўналишида ўқиб келмоқдаман. Устозим Акмал Маҳкамов билан бир-

галикда ўзбекча, инглизча, испанча, русча қўшиқларни ўргандим. Бугунги тадбир менга жуда ёқди. Расмчилик, зардўзлик борасидаги саволларимга жавоблар олдим. Юлдузлар иштирокидаги концерт ҳам ёқди. Мен жуда кўп нарсаларни ўргандим, ёлғиз эмаслигимни билдим. Шунинг учун келажакда ўз ижодим билан ҳаммани шод айлашни истайман.

Тадбирда Республика дизайн касб-ҳунар коллежидаги ўқувчилар барча йўналишлар бўйича болаларга маслаҳатлар беришди. Бундан ташқари А.Навоий номи Республика нафис санъат лицейининг ўқувчилари ҳам бор маҳоратларини болажонларга намоиш этишди. Қоғоздан буюм, ҳайкалтарошлик намуналарини ясаб, болаларга совға қилишди. Биргаликда расмлар чизиб, болаларни рағбатлантиришди. Уларнинг хурсандчилиги бутун оламни тутгандек бўлди.

Тадбирда фаол иштирок этган болаларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Замира РАУПОВА

ОИЛАДАГИ МАЪНАВИЙ МУҲИТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Мирзо Улугбек туманидаги Нодирабегим маҳалласи гузарида «Оила маънавиятининг муҳим бўғини, оиладаги тарбия» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Оила» маркази, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда маҳалланинг намунали оилалари, ёшлар, нуруний отахон-онахонлар ҳамда касб-ҳунар коллеж ва академик лицейларнинг педагоглари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад оиладаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, ота-она ва фарзанд ўртасидаги меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат каби хислатларни янада жонлантириш, оилаларда вужудга келадиган турли хил низоларнинг олдини олиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда аҳолининг, айниқса ёшларимизнинг тиббий саводхонлигини юксалтириш, йигит-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга, маънавий камол топишга катта эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлашди.

— Маҳалламизда бирон-бир муаммо туғилгудек бўлса, барчамиз ҳамжиҳатликда унинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз, — дейди Нодирабегим маҳалласи фаоли Зокиржон Шодмонов. — Кўтарилган мавзунинг бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири деб биламан. Бундай суҳбатлар ҳар бир оилада ташкил этилса, фарзандларимиз каттага ҳурмат, кичикка иззат кўрсатиш муҳимлигини тушуниб етган бўларди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, маънавиятчи инсон келажакда юксак ҷўққиларга эриша олиши шубҳасиз. Ота-оналар ўз фарзандлари билан ўзаро мулоқотга киришиб, келажаги учун қайғурса оилалар янада гуллаб-яшнайд.

— Ушбу маърифий тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши фаоли, Мирзо Улугбек технология касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Муниҳасан Сиддиқова. — Тадбирда сўзга чиққанлар оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, муаммоларни бартараф этишда асқотадиган тавсиялар, маслаҳатларни беришди. Агарда ота-она боғбон бўлса, фарзандлар унинг мевалари ҳисобланади. Боғбон мевасиз дарахтнинг ўстирса, бундай фарзанднинг жамиятга, ҳеч кимга фойдаси тегмайди.

— Бугунги кунда яратилган шарт-шароитларни айтиб тугатиб бўлмайди, — дейди маҳалла фаоли Сайфулла Нигматий. — Тарбиянинг йўналишлари жуда кўп, оила, мактаб, коллеж, маҳалла ва ҳокимиятлар. Ҳозирги кунда ёшларимизни тарбиялашда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда маҳалла ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги жуда муҳим. Оилада ота-она фарзандига ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон тарафини болалигидан тушунириб бориш, жамиятга керакли кадрни тарбиялаш бўлмас. Қувонарлиси, фарзандларимиз барча соҳаларда ютуқларни қўлга киритмоқда. Буларнинг бари юртимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасидир.

Тадбирда иштирок этганлар ўз фаолиятлари нукта-назаридан, ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Зарнигор РАҲМОНОВА

Шаҳримизда Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон Республикаси «OSIO RAMZI» дизайнерлар уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида республика миқёсида еттинчи анъанавий «Хон атлас ва ақлли матолар» мода фестивали ўтказилди.

Кўргазмалар

ЎЗБЕГИМНИНГ ХОНАТЛАСЛАРИ

Фестиваль доирасида Тошкент Фотосуратлар уйида миллий матолар кўргазмаси бўлиб ўтди. Ундан кўзланган асосий мақсад, тўқимачилик саноати инновацион ғояларини намоиш қилишдан иборат.

Экспозиция 20 дан ортиқ паннога эга бўлиб, матоларнинг ишлаб чиқариш даврлари, толадан якуний маҳсулотгача, бўлган жараён, ўзбек бадий матолари намуналари тақдим қилинди. Кўргазма «ақлли матолар»дан кундалик ҳаётимизда фойдаланиш имкониятларини намоиш қилади ва бу матоларнинг келажакда назар ташлаш имконини беради. Мазкур кўргазма Science et Animation француз агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган. Унда Ўзбекистоннинг ёш дизайнерлари томонидан «ақлли матолар»дан тайёрланган буюмлар намоиш қилинди.

Шунингдек, кўргазма нафақат мода, тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси мутахассислари, балки олий таълим муассасалари талабалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ҳам мўлжалланган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, кўргазма доирасида «Либослар учун материалларда инновацион технологиялар» Франция — Ўзбекистон илмий-амалий анжумани ҳам ташкил этилди.

— «Ақлли матолар» юзага келганга кўп вақт бўлмаган, лекин тез ривожланган тўқимачилик саноати сектори ҳисобланади, — дейди Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Либослар дизайне-ри» кафедраси доценти Умида Раҳматуллаева. — Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган турли хилдаги матолар ҳақида тўхталадиган бўлсак, булар: юқори ва пассиван ҳароратли жойларни мустақил кузатиш ва уларни меъёрга келтириш, тананинг керакли ҳароратини ушлаб туриш; қаҳва, кетчуп, вино, ускуна мойларини ўзига юқтирмайдиган матолар эканлигини англаймиз. Бегона ҳидларни ўзида сақлайдиган ва сув ўтказмайдиган, лекин шу билан бир вақтда «нафас оладиган» матолар ҳам мавжуд. Олимлар томонидан матога шимдириладиган эритмалар ўйлаб топилган бўлиб, улар матони жуда мустаҳкам қила-

ди. Бундай кийим, бронжилетга ўхшаган бўлиб, экстремал юкчаларга бардош беришга қодир.

«Хон атлас» республика мода фестивали Ёшлар ижод саройида ҳам ўтказилди. Фестивални хон атласдан тайёрланган либослар тўплами дефилеси якунлаб берди.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ёшларни миллий қадриятларга яқинлаштириш, бой маданий мерос, анъана ва удумларни сақлаш ва омалаштиришдан иборат.

Фестивалнинг дизайнер иштирокчилари учун мажбурий шарт сифатида — либослар элементидан «хон атлас»дан фойдаланиш белгиланган. Дизайнерлар ўз либослар тўпламларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиб, халқ анъаналари ва моданинг янги йўналишларини уйғунлаштириш борасида ижодий қобилиятларини намоиш қилдилар.

Кўтаринки руҳда ўтказилган мазкур фестиваль меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР МЕДИА-ТРЕНИНГИ

Президентимиз Ислон Каримов

томонидан илгари сурилган

Мамлакатимизда демократик

ислохотларни янада чуқурлаштириш

ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепциясида

оммавий ахборот воситаларини

янада эркинлаштириш, уларнинг

моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш, соҳага замонавий

ахборот технологияларини кенг

татбиқ этиш борасидаги долзарб

вазифалар белгилаб берилган. Ёш

журналистларни тайёрлаш, билим ва

маҳоратини ошириш бу жараёнда

муҳим ўрин тутати.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ёш журналистлар учун ўтказилган медиа-тренингда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, «Камолот» ЕИХ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, пухта билим ва юқори малакага эга ёш журналистларни тарбиялашга доир кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Ахборот эркинлиги, ахборотни олиш қафолатларига тааллуқли қонун ҳужжатлари қабул қилинган бу борадаги изчил ислохотлар самарасидир.

Тадбирнинг мадақали мутахассислар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган иштирокчилар билан ахборот хизматлари фаолияти, нотиклик маҳорати, оммавий ахборот воситаларида ёшларга оид лойиҳаларни тайёрлаш, ёшлар муаммоларини ёритиш механизмлари каби мавзуларда ўқув ва амалий машғулотлар, маҳорат дарслари олиб борди.

— Глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган бугунги даврда оммавий ахборот воситалари кишилар онги ва қалбига таъсир этувчи энг катта кучга айланди, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент Ёқутхон Маматова. — Бу жамоатчилик фикрини шакллантириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, турли ижтимоий қатламларнинг ҳаётий манфаатларини замон билан ҳамқадам ёритиб бориш, ОАВни жамиятнинг том маънодаги кўзгусига айлантиришни такозо этмоқда. Ёш журналистларнинг билим ва маҳоратини ошириш, уларни ёшларга тааллуқли ахборот сиёсатининг мазмун-моҳиятидан хабардор этишга қаратилган мазкур медиа-тренинг бу борада катта аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида «Оммавий ахборот воситалари ва ёшлар» мавзусидаги социологик тадқиқот натижалари тақдими, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тўғрисида давлат ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбати, турли соҳаларда муваффақиятларга эришаётган ёшлар билан учрашув ўтказилди.

— Семинар машғулотларида муаллифлик кўрсатувлари тайёрлаш, долзарб мавзуларни танлаш, тасвирга олиш ҳамда монтаж жараёни хусусида атрофлича маълумотга эга бўлди, — дейди Наманган вилояти телерадиокомпанияси муҳбири Абдорбек Тошматов. — Айниқса, тажрибали журналистлар иштирокидаги давра суҳбатлари янгича усулларда кўрсатув тайёрлаш, уларни мазмунан бойитиш борасидаги билимимизни янада оширишга туртки бўлди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

22, кундузи — 35-
37 даража иссиқ
бўлади.

Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
Тошкент шаҳрида 12
июнь куни ҳаво ўзгариб
туради, ёғингарчилик
ҳаво шароити шаҳар ҳаво
бўлмайди. Шарқдан се-
кундига 3-8 метр тез-
ликда шамол эсади.
Имконият ярадаги, таг-
миқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 12
июнь куни ҳаво ўзгариб
туради, ёғингарчилик
ҳаво шароити шаҳар ҳаво
бўлмайди. Шарқдан се-
кундига 3-8 метр тез-
ликда шамол эсади.
Имконият ярадаги, таг-
миқдори паст бўлади.

Зафар НАЗАРОВ

